

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Сирдарё вилояти ИИБ
М ва МТТБ”
бошлиғи
Харид комиссияси раиси
Х.У.Газиев

Сирдарё вилояти ИИБ га қарашли 15-МТМ га ковролан (гилам) олиш
бўйича ўтказилган энг яхши таклифларни танлаш(тендер) йиғилиши

БАЁННОМАСИ № 5

26.10.2022 йил/соат 10:00

Гулистон шаҳар

Танлов савдолари мажлисида “Сирдарё вилояти ИИБ” нинг 2022 йил 26 июндаги №91-сонли буйруғи асосида тайинланган комиссия аъзолари катнашдилар:

1.	Х.У.Газиев	-	“Сирдарё вилояти ИИБ М ва МТТБ” бошлиғи, комиссия раиси.
Комиссия аъзолари:			
2.	Э.Хасанов	-	Сирдарё вилояти ИИБ МТХ бошлиғи.
3.	Ш.Мухитдинов	-	Сирдарё вилояти ИИБ МТТБ бошлиғи.
4.	Б.Ахмедов	-	Сирдарё вилояти ИИБ НТИ тафтишчиси.
5.	У.Тожибоев	-	Сирдарё вилояти ИИБ М ва МТТБ ТХ катта муҳандиси.
Комиссия котиби:			
6.	Д.Тўйчиев	-	Сирдарё вилояти ИИБ МТХ Бош иқтисодчиси. (овоз бериш ҳуқуқисиз)

КУН ТАРТИБИ:

1.

Сирдарё вилояти ИИБ га қарашли 15-МТМ га ковролан (гилам) олиш бўйича
ўтказилган энг яхши таклифларни танлаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида” 684-сонли Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида”ги 276-сонли қарорига асосан баёнинг ижросини таъминлаш мақсадида энг яхши таклифлар асосида танлаш ўтказилиши тўғрисида 2022 йил 13 октябр куни «etender.uzex.uz» сайтига № 22110012163917-сонли лот билан эълон берилди.

Мазкур объект бўйича танлов ғолиби аниқланиб, харид комиссиясининг 2022 йил 21 октябрь кунда баённома расмийлаштирилиб, икки иш кунига электрон тизимга муҳокама қилиш учун жойлаштирилди.

Харид комиссияси аъзоларида мазкур лот(лар) иштирокчилари билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида” 684-сонли Қонуни 23-моддасига кўра, иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси мазкур лот(лар)да иштирок этмади.

Маълумотлар stat.uz саҳифаси орқали текширилди.

Ушбу ЛОТ: 163917-сонли лот рақами бўйича танлов комиссиясининг баённомаси

юзасидан ҳеч қандай эътироз ёки норозиликлар юзага келмади.

Овозга қўйиш натижасига кўра 5 та овоз билан “УМАРЖОН МАНЗУРА” МЧЖ ғолиб чиқди.

Баҳоловчи комиссия аъзолари ўзаро фикр-мулоҳазалар билдиришиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида”ги 276-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Сирдарё вилояти ИИБ га қарашли 15-МТМ га ковролан (гилам) олиш бўйича ўтказилган энг яхши таклифларни танлаш орқали “УМАРЖОН МАНЗУРА” МЧЖ томонидан таклиф этган нархи 33 075 000 (ҚҚСбилан) сўмга танлов ғолиби деб топилсин.

3. Қарорнинг 100-моддаси бўйича икки иш кун ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаганлиги учун “УМАРЖОН МАНЗУРА” МЧЖ билан шартнома тузилсин.

4. Танлов ғолиби билан шартнома (контракт) тузиш ВИИБ МТХ Бош иқтисодчиси Д.Туйчиевга топширилсин.

Имзолар:

Комиссия аъзолари:



Э.Хасанов

Ш.Мухитдинов

Б.Ахмедов

У.Тожибоев

Комиссия котиби:

Д.Туйчиев

Гулистон шаҳар
(контракт тузилган жой)

«27» 10 2022 йил
(контракт тузилган сана)

Бундан буён «БЮЮРТМАЧИ» деб аталувчи Сурдоёри Ўмаров ЧУС номидан устав асосида фаолият олиб борувчи раҳбар:- Т.Ҳ.Исмаилов бир томондан ва бундан буён «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» деб аталувчи «UMARJON MANZURA» мжч номидан НИЗОМ асосида фаолият олиб борувчи раҳбар:- М.Матхалиқова бошқа томондан, ушбу шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

1. КОНТРАКТ ПРЕДМЕТИ

1. Ушбу шартномага асосан Буюртмачи товарни қабул қилади ва тўлайди. Етказиб берувчи эса куйидаги шартларга мувофиқ етказиб беради.

№	Товарларнинг номи	Улч. бирл.	Микдори	Бирлик учун контракт нархи (ҚҚС сиз)	Контрактнинг умумий қиймати (битим суммаси)
1	Ковролан (гилам)	Кв.м	210	157500	33075000

1.2 Шартноматнинг умумий **33 075 000 (сўттиз уч миллион етмиш бешминг)** сўми ташкил қилади. ҚҚС сиз.

2. МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ

2.1. «Буюртмачи» мазкўр контрактни газначилик бўлини масида рўйхатга олинган кундан бошлаб **10** календар куни ичида конунчилиққа мувофиқ, шартноманинг умумий суммасидан **30%** микдорида (шартнома суммасидан **30%** микдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган **70%** ни товарни олгандан сўнг **5** календар куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б.асосида тўлайди.

2.2. «Етказиб берувчи» аванс маблағлари «Етказиб берувчи»нинг тегишли ҳисоб-варағига келиб тушган вақтдан бошлаб **5** календар куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. «Етказиб берувчи» амалдаги ГОСТ га мувофиқтоварни етказиб бериши шарт.

2.4. «Буюртмачи» товарларни қабул қилишда «Етказиб берувчи» иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълонда (буюртманомада) кўзда тутилган бошқа талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкўр контракт билан бошқа ҳоллар кузда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар «Етказиб берувчи» ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. «Буюртмачи»нинг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита «Буюртмачи»нинг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг микдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкўр шартномада кузда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкўр шартномага мувофиқ амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари: Етказиб берувчидан Контрактни бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш талаб қилиш; «Буюртмачи» ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, «Етказиб берувчи»дан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкўр контрактнинг шартларида бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

«Етказиб берувчи»дан жойлаштирилган буюртманомага кўра мазкўр контрактга мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш; сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра куйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ухшаш товар билан алмаштириб бериш;

- камчиликларни бегараз бартараф этиш;

- «Етказиб берувчи»дан мазкўр шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари: - мазкўр контрактга мувофиқ узининг жойлаштирган буюртманомаси бўйича етказиб берилган товарларни қабул қилиш;

- товарларнинг қиймати мазкўр контрактда белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. «Етказиб берувчи» куйидаги ҳуқуқларга эга:

- «Буюртмачи»дан олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилиқда кузда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- «Буюртмачи»дан жойлаштирилган буюртманомага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. «Етказиб берувчи»нинг мажбуриятлари:- Буюртмачига товарларни мазкўр шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, микдорда ва сифатда етказиб бериш;

- агар товарларни етказиб бериш жараёнида "Етказиб берувчи" контракт шартлари ва меъёрлардан ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилиқидан четга чиқибга йўқ қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 3-кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни бегараз бартараф этиш.

3.5. Мазкўр контракт белгиланган тартибда мазкўр контракт шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги конунчилиқига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Буюртмачи:- савдоларни ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун ҳужжатларига мувофиқлиги; савдолар голиби бўлган етказиб берувчи билан контракт тузиш ёки савдолар голиби бўлган етказиб берувчи билан контракт тузишни рад этиш муддатига рўйа этилиши (ажратилган бюджет маблағлари камайиши ҳолатлари бундан мустасно);

- томонлар уртасидаги контракт мажбуриятларини бажариш тўғрисидаги қўриқилган вақтдан кейин беш йил мобайнида савдолар предметни бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.

4.2. Товарларни танлаб олимаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатда олинмаган) товарлар қийматининг **5%** микдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса - **10%** микдорида жарима тўлайди. Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мажбуриятининг қафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатда олинмаган) товарлар қиймати туланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.3. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб - китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош торганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи махсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош торган сумманинг **15%** микдорида жарима тўлайди. Етказиб берилган товарлар ҳақини оз вақтида туламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг **0,4%** микдорида, ammo кечиктирилган тўлов суммасининг **50%**дан ортиқ бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

4.4. «Етказиб берувчи»:- савдоларда катнашип учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги;

- микдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек тақлиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойин бўйича етказиб берувчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- савдолар шартларининг бошқа бузилишлари; - тузилган контракт шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5. Агар етказиб берилган товарлар сифати бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) конун ҳужжатларида ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати даражада бўлмаган товарлар қийматининг **20%** микдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, туланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.

Сифатли даражада бўлмаган товарлар етказиб берилганлик учун жарима етказиб берувчидан ақцентсиз тартибда ундириб олинади.

4.6. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (**Бьюртмачи**)га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.5% миқдорда пеня тўлайди. бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50% дан ортиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларни бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.7. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки уралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (**Бьюртмачи**)га бундай товарлар қийматининг 5% миқдорда жарима тўлайди.

Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (**Бьюртмачи**) жарима ундиришдан ташқари, ўз кўчи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

5. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

5.1. Тарафлар шартнома шартларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун талабларига сўзсиз амал қилади.

5.2. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган ҳолда, ушбу шартнома доирасида қонун бузилишига олиб келадиган ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)га йўл қўймайдилар.

5.3. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш баробарида қуйидагиларга йўл қўймаслик мажбуриятини оладилар:

- пора бериш, шунингдек ушбу жиноятга воситачилик қилиш;
- товламачилик, ёки бошқа ноқонуний йўллар билан пора олишга ундаш;
- пора олишга бевосита ёки билвосита розилик бериш.

5.4. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари рағбатлантиришнинг ҳар қандай шаклини рад этадилар. жумладан:
- тарафларнинг ходимлари ёки вакилларидан пул маблағлари олиш, совғалар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажаришни ушбу ҳаракат(ҳаракатсизлик)ни амалга оширган ходим ёки ваколатли вакил уни рағбатлантирадиган томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатни бажаришни.

5.5. Тарафларга шартнома шартларини амалга оширишда сунъий равишда иккинчи тарафга ноқулайликлар туғдириб, коррупциявий омил пайдо бўлишига бевосита ҳамда билвосита сабабчи бўлиш тақиқланади.

5.6. Агар шартнома тарафлари томонидан шартнома шартларига риоя қилмаслик ёки ушбу шартларнинг бузилиш ҳолатлари содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилинганда шунингдек, шартноманинг 3.1-бандида белгиланган ҳолатлардан бири содир этилганда ушбу ҳаракат содир этилганлиги юзасидан иккинчи томонни хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади ҳамда шартнома шартлари ёки қонун бузилишининг инкор этилмайди деган далиллари мавжуд бўлганда, шартнома тарафлари Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига мурожаат қиладилар.

6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

6.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар,қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита иктисодий судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

6.3. Томонлар иктисодий судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иктисодий судида кўриб чиқилади.

7. ФОРС-МАЖОР

7.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари энгил бўлмайдиган қучлар (форс-тўлиқ етказиб берилмаган маҳсулот қиймати (баҳоси) Молия Вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида давлат таъминотидаги муассасаларига қўндалик зарур товарларни етказиб берадиган ташқилотлар уртасида (тепдер) ташлов ўтказиш тўғрисидаги қарорига асосан ўтказилмаган (тепдер) ташлов ишчи гуруҳига тақдим қилинган асосий истеъмол маҳсулотларнинг нархлари бўйича маълумотига асосан мувофиқлаштирилади.

7.2. Сотиб олувчи томонидан олинган маҳсулотларнинг қиймати шартноманинг 3.1. бандида кўрсатилган муддатларда тўланмаса, маҳсулот етказиб берувчи маҳсулотини етказиб беришни тўхтатади.

8. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

8.1. Томонлар «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 24-35 моддаларига асосан шартнома мажбуриятини бузганлиги учун жавобгар бўладилар.

8.2. Шартнома ҳар икки томон имзоланган ва муҳр босиб тасдиқланган тартибда ўзгартириши мумкин.

8.3. Шартнома бўйича вужудга келган келишмовчиликлар амалдаги қонунларга асосан иктисодий суди орқали ҳал қилинади.

8.4. Мазкур шартнома Ғазначилик органларида руйхатга олингандан кейин қучга қиради ва «31» декабрь 2022 йилгача амал қилади.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАНЗИЛҲОҲИ:

«Маҳсулот етказиб берувчи»

Ташқилот номи «UMARJON MANZURA» МЧЖ
Манзил: Сирдарё тумани Ширин МФЙ Навруз к 3-уй
СТИР: 304236501 МФО: 00491
Х/Р:20208000700654259001

Банк: Траст Банк Сир. Вил филиали


Тел: +99890 312 84 85

Раҳбар:  М.Матхаликова




«Маҳсулот сотиб олувчи»

Ташқилот номи:



Раҳбар:



ҲУҚУҚШУНОС ХУЛОСАСИ: Шартнома
Ломиҳаси Ўз Рнинг Фуқаролик кодекси,
«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг
шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги
Қонунни ва бошқа қонунларига мувофиқ,
тузилган ҲУҚУҚШУНОС  Н.Ахромов